

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ўсимликлар химояси ва карантини
агентлиги Самарканд вилоят



Чигиртка ва тут парвонасига карши
курашиш хизмати
Ж. Абдуганиев

Ўсимликлар химояси ва карантини агентлиги Самарканд вилоят Чигиртка ва тут
парвонасига карши курашиш хизмати

Вилоят худудида зарарли чигирткаларга карши кимёвий ишловларни УАЗ
автомобилига бириктирилган УМО пуркагич аппарати билан амалга ошириш
бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«27» октябр 2022 й.

Раислик қилувчи

О. Анваров

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Б. Шодиев

Комиссия аъзоси, инженер механик

Ш. Назаров

Комиссия аъзоси, аграрном

Ғ. Холиқназаров

Комиссия аъзоси, аграрном

О. Юлдашев

Комиссия аъзоси, аграрном

Б. Алибеков

Комиссия аъзоси, аграрном

КУН ТАРТИБИ:

« Зарарли чигирткаларга карши Кимёвий ишловларни УАЗ автомобилига
бириктирилган УМО пуркагич аппарати билан амалга ошириш бўйича»

Ўсимликлар химояси ва карантини агентлиги Самарканд вилоят Чигиртка ва тут
парвонасига карши курашиш хизмати
томонидан 2022-йил 18 октябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё
биржасининг электрон порталига Зарарли чигирткаларга карши Кимёвий
ишловларни УАЗ автомобилига бириктирилган УМО пуркагич аппарати билан
амалга ошириш бўйича №162194-лот рақами билан эълон жойлаштирилди.
Мазкур лот бўйича 2022 йил 25-октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш
савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали
орқали шаклланган «Зарарли чигирткаларга карши Кимёвий ишловларни УАЗ

автомобилига бириктирилган УМО пуркагич аппарати билан амалга ошириш бўйича” баённомасига асосан эълон якунига кўра МЧЖ “AGRO CROUP”голиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:







1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ЧВТПККХ бош бухгалтери Х.Абсатовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 25-октябрдаги электрон баённомасига асосан голиб МЧЖ “AGRO CROUP” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Хизмат бошлиги Ж.Абдуганиев хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

Раислик қилувчи		О.Анваров бошлиқ ўринбосари
Б.Шодиев		Комиссия аъзоси, инженер механик
Ш.Назаров		Комиссия аъзоси, аграрном
Ғ.Холикназаров		Комиссия аъзоси, аграрном
О.Юлдашев		Комиссия аъзоси, аграрном
Б.Алибеков		Комиссия аъзоси, аграрном

Зарарли ва маҳаллий чигирткаларга қарши кимёвий ишловларни ўтказиш тўғрисида шартнома № 2

Тошкент шаҳри

“ 27 ” 10 2022 йил

“Agro Crop” масъулияти чекланган жамият, унинг номидан Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Э.И.Кадиров, бундан кейин “Бажарувчи”, бир томондан ва Ўсимликлар Динояси ва қоралтичи агентлиги Саҳ Вел ЧВТ П К К Ш унинг номидан Низом асосида иш юритувчи, корхона раҳбари И.С. Абдулҳанов, бундан кейин “Буюртмачи”, иккинчи томондан куйдагилар тўғрисида шартнома туздилар.

1. Шартнома мазмуни.

1.1 Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” “Буюртмачи”га зарарли ва маҳаллий чигирткаларга қарши кимёвий ишловларни ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- шартномада белгиланган ишлар ва кимёвий ишларни белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилишини талаб қилиш ҳамда қабул қилиш;

- вилоят ҳудудида зарарли ва маҳаллий чигирткаларни ривожланиши ва тарқалиши тўғрисида, зарарланган майдонлар ва иш ҳажми ҳақидаги маълумотларни “Бажарувчи”га тезкор равишда етказиш (кузатув-назорат ишлари “Бажарувчи” томонидан ўтказилмаган ҳолатда);

- чигирткаларга қарши кураш учун зарур бўлган кимёвий препаратларни ўз вақтида “Бажарувчи”га етказиб бериш. Ёкилги-мойлаш воситаларини “Бажарувчи”га етказиб берилган ҳолатларда уларнинг қийматини “Бажарувчи” бажарган иш ҳажми қийматидан чегириб қолиш;

- кимёвий ишловларни ўз вақтида сифатли ва самарали ўтказилишини, бажарилган назорат ишлари ва кимёвий ишловларни далолатномаларни расмийлаштириш учун агроном-энтмолог ёки ташкилотчи вакилини алоҳида бу ишни бажарилишига бириктиради.

- “Буюртмачи” вакилининг зиммасига куйдагилар қиради:

- “Бажарувчига” ЧҚКК (Чигирткага Қарши Кимёвий Курашиш) ишлов жойларини кўрсатиш;

- ЧҚККни самарали ўтказиш учун кимёвий ишлов эритмаларини ўз вақтида тайёрлаб бериш;

- кимёвий ишлов эритмаларини сифатли таёрлаш, дозаларни аниқ ҳажмда қўллаш ва технология назоратига риоя қилган ҳолда уни амалга ошириш;

- ЧҚКК ишлов жараёни пайтида карантин тадбирларини ўтказиш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва жойларда одамларнинг яқинлашишига йўл қўймаслик ишларини амалга ошириш;

- ЧҚКК ишлов жараёни пайтида бегона шахслар пайдо бўлган ҳолатларда жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- ЧҚКК ишлари тугаганидан сўнг ўз вақтида бажарилган ишлар учун керакли бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштириш ва имзолаш;

2.2. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”нинг талабига асосан зарарли ва маҳаллий чигирткаларни тарқалишига қарши кимёвий ишловларни ўтказиш;

- зарарли ва маҳаллий чигирткаларни тарқалиши майдонларини ҳисобга олган ҳолда кимёвий ишловларни сифатли ўтказиш чорасини кўради ва бажарилган ишни топширади;

- “Буюртмачи”нинг айби билан ўтказилган кимёвий ишлов самарасиз бўлган ҳолатда (табiiй ва бошқа омиллар, “Буюртмачи” томонидан етказиб берилган чигирткаларга қарши кураш кимёвий ишлов эритмаларини сифатсиз таёрланиши, дозаларни аниқ ҳажмда қўлланилмаганлиги ва технология назоратига риоя қилинмаган ҳолларда, кимёвий препаратларни миқдори камайиб ёки қўпайиб кетган ҳолларда) ишлар тўлиқ амалга ошган бўлиб ҳисобланади ва “Бажарувчи”га бажарилган ишлар учун тўлиқ хизмат ҳақи тўланади.

- зарарли ва маҳаллий чигирткаларга қарши кураш ишлари ўз вақтида “Буюртмачи”нинг айби билан ўтказилмаган тақдирда, қўрилган зарарга жавобгар бўлмайди.

3. Тарафларнинг жавобгарлиги.

3.1. Шартнома ёки шартноманинг иловасида белгиланган иш турлари бажарилиши рад этилганлиги учун “Бажарувчи” “Буюртмачи”га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

3.2. Шартнома ёки шартноманинг иловасида белгиланган иш турлари бажарилиши рад этилганлиги учун “Буюртмачи” “Бажарувчи”га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган хизматларнинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

3.3. “Буюртмачи” “Бажарувчи”га бажарилган ишлари учун ўз вақтида ҳақ тўланишини таъминлайди.

3.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

4. Ҳисоб-китоб.

4.1. Амалга ошириладиган чигирткаларга қарши кимёвий кураш ишларида, ёкилги ва мой маҳсулотлари “Буюртмачи” томонидан берилади ва 1 гектар учун 18500 сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур шартноманинг баҳоси 257 705 000 сўмни ташкил этади.

Бажарилган кимёвий ишларнинг ҳажми ва баҳоси мазкур шартноманинг таркибий қисми бўлган шловда кўрсатилган. Бажарилган умумий майдон 13930 гектарни ташкил этади.

4.3. Шартнома бўйича барча ишлар бажарилгандан сўнг шартнома бажарилди деб ҳисобланади.

4.4. “Буюртмачи” бажариладиган иш турлари ва кимёвий ишловлар жами суммасининг 30% фоизини олдиндан тўлайди. Ишлар бажарилгандан сўнг қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари имзоланганидан кейин 30 кун ичида тўлиқ тўловни амалга оширади.

4.5. Бажарилган ишлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

5. Шартноманинг амал қилиш муддати.

5.1. Мазкур шартномага “Бажарувчи” ва “Буюртмачи” томонидан имзолангандан сўнг, томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришлари ва ўзаро ҳисоб-китоб қилишига қадар муддат ичида амал қилади.

5.2. Шартнома Ҳазначилик бошқармаларидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 31 / 12 / 2022 йилгача тузилди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Тарафлар ўртасидаги ушбу шартнома бўйича вужудга келадиган низолар ўзаро музокаралар йўли билан, агар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиб бўлинмаса унда бу низолар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент шаҳар хўжалик суди орқали ҳал этилади.

7. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби.

7.1. Шартнома бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг ёзма розилиги асосида расмийлаштирилади ва тарафлар томонидан имзоланади. Ҳазначилик органи рўйхатидан ўтганидан сўнг конуний кучга киради.

7.2 Шартнома конунда белгиланган тартибда ҳамда тарафларнинг ўзаро келишувига асосан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

8. Форс-мажор ҳолатлари.

8.1. Тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартларини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

9. Бошқа шартлар.

9.1. Шартнома икки нусхада тузилади, ҳар иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга.

10. Тарафларнинг юридик манзиллари.

“БАЖАРУВЧИ”
“Agro Crop” МЧЖ

Адрес: Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек
тум, Сайрам 7-тўра кўчаси, 19-уй.
P/c: 2020 8000 1002 9513 4001
Банк: НБ ВЭД РУз Академ фил.
МФО: 00431 ОКОНХ: 22300
ИНН: 302 891-290
Тел.: (+99899) 881-8088
(+99890) 178-7071

Директор



Э.Кадиров

“БУЮРТМАЧИ”

Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агентлиги

ЎВТПК КХ Самарқанд вилоят

Адрес: Самарқанд шаҳри Хўжа

Ахрори Валми № 21 уй

P/c: 1000 2186084017042111061002

Банк: Миллий Банк

МФО: 00401 ОКОНХ: 97300

ИНН: 302 989 360

Тел: 345-04-50

Директор

У. Абдурақиев



Адвокатское бюро «VALIDITY-TRUST»

Адвокат  Ходжаев Р.Р.

Лицензия TN 000217
от 27 декабря 2018 года